

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 2 июль, № 139 (7641) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, “Томорқа хизмати” МЧЖ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳоли томорқаларини хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун “Томорқа хизмати” МЧЖларга иссиқхона, совиткичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун **асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдони ажратиш**;

“Томорқа хизмати” МЧЖлар кузатув кенгашлари таркибига, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси **аъзо бўлиб киришлари**;

аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш учун вилоятлар ва туман (шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида “Томорқа хизмати” МЧЖлар учун **махсус савдо майдонларини ажратиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

1-иловада келтирилган кластер усулида фаолият юритадиган “Томорқа хизмати” МЧЖларга 3 йил муддатга кредит ёки уларнинг устав капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратсин;

аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун **20 — 30 тонналик кичик ҳажмли совиткичлар барпо этиш учун кредит** ажратсин;

тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида **2 миллион сўмгача Оилавий тадбиркорлик маркази хулосасисиз On-line** тарзда томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш механизмини жорий этсин.

3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

2023 йил 1 январга қадар “Томорқа хизмати” МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг **50 фоизигача, бироқ 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик** берилиши белгилансин;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фаолият кўрсатмаётган, фойдаланилмасдан турган нотурар объектлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхоналари негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги **Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларини (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) ташкил этиш;

Агентлик тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари — Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази директори (кейинги ўринларда — Марказ директори) лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тоифадаги бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини (кейинги ўринларда — бўш турган объектлар) аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

бўш турган давлат мулки объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, давлат мулки объектларини ижарага беришни ташкил этиш;

ижарага берилган давлат мулки объектларини ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш;

ижарага берилган давлат мулки объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

давлат муассасалари (корхоналари)га бириктирилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;

давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси хулосасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига кўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш.

Марказ давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида барча давлат органларидан, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур бўлган ахборот ва материалларни сўраб олишга ҳақли.

(Давоми 2-бетда).

## АҚШ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**1 июль куни юқори даражали «Марказий Осиё — АҚШ» («C5+1») шаклидаги навбатдаги учрашув бўлиб ўтди.**

*Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ва АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео қатнашди.*

Учрашувда, шунингдек, мамлакатимизда бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Адам Болер иштирок этди.

Томонлар минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга, жумладан, коронавирус тарқалишига қарши курашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

COVID-19 пандемияси шароитида глобал ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, миллий транспорт стратегиясини мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этиш, минтақа мамлакатларининг энергетика салоҳиятини кенгайтириш, Марказий Осиёнинг экологик оғир минтақаларида ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, Оролбўйини инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш каби йўналишлардаги ҳамкорликка урғу беришни таклиф қилди.

Абдулазиз Комилов Ўзбекистон томони халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги тинчлик жараёнини илгари суриш бўйича фаол ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг чиқишларида “C5+1” шакли Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни илгари суриш платформаси сифатида ўз аҳамияти ва долзарблигини намойиш этишда давом этаётгани тасдиқланди.

Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Адам Болер бошчилигидаги АҚШ делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан учрашди.

➔ 2

### Олий Мажлис Сенати

*Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида Бош прокурор ўринбосарининг соғлиқни сақлаш, таълим ҳамда қурилиш соҳаларида коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди.*

## Соғлиқни сақлаш, таълим ва қурилиш соҳаларида коррупцияга қарши курашиш аҳволи қандай?

Таъкидланганидек, Бош прокуратура томонидан тегишли мутахассислар ва экспертлар жалб қилинган ҳолда, олий таълим ҳамда капитал қурилиш соҳаларида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан “Йўл хариталари” тасдиқланган. Шулар асосида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, таълим муассасаларининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш махсус курслари киритилди. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари шакллантирилди. Коррупцион муҳитни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш учун улар ўртасида аноним сўровномалар ўтказиб борилмоқда. Тўғридан-тўғри муассаса раҳбарияти ёки вазирликка электрон шаклда мурожаат қилиш (шу жумладан, аноним тарзда) имконияти яратилди.

Талабалик сафига қабул қилиш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик университетида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ўқишга қабул қилишда Шарқ тилларидан топшириладиган кўп балли тизим бўйича имтиҳонлар ўрнига тест синови ўтказилиши йўлга қўйилди. Ушбу тажрибани келгуси ўқув йилидан бошлаб бошқа чет тиллари бўйича республикадаги барча давлат олий таълим муассасаларига жорий этиш белгиланди.

➔ 2

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## Вазифалар ижроси қатъий назоратга олинади

*Давлатимиз раҳбари яқинда иккита муҳим ҳужжат — “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларни имзолади.*

*Мазкур ҳужжатлардан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаш мақсадида “Адолат” СДП ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Видеоконференция тарзида ташкил этилган йиғилиш аввалида инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир вазифалар муҳокама қилинди.*



Таъкидланганидек, депутатлар зиммасига “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармоннинг ҳар бир банди ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотини ҳар чоракда эшитиш ҳамда танқидий муҳокама қилиш вазифаси қўйилмоқда. Худди шу амалиётни ҳудудлар миқёсида маҳаллий Кенгаш сессияларида ҳам жорий этиш белгиланаётгани ушбу жараёнга барча вакиллик органларини ва шу орқали кўпроқ аҳолини жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада “Адолат” партияси фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлардан алоҳида фаоллик талаб қилинади.

Тадбирда депутатлар инсон ўз ҳуқуқини талаб этиши учун, аввало, уни билиши лозимлигини таъкидладилар. Фармон билан инсон ҳуқуқлари фани амалиётга татбиқ қилинаётгани эътиборга молик. Эндиликда фракция аъзолари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари таълим муассасаларида мазкур фаннинг ташкил этилиши ҳамда сифатли ўқитилишини мониторинг қилиб бориши зарурлиги айтиб ўтилди.

Халқ вакиллари, шунингдек, коррупцияга қарши курашишга оид Фармоннинг мазмун-моҳияти бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таъкидланганидек, бугунги давр бу борада янгича механизмларга асосланган тизимни жорий этишни тақозо қиляпти. Президент Фармони билан коррупцияга қарши курашишни тўлиқ ўз зиммасига олувчи ва бу борадаги давлат сиёсатининг амалга оширилишига масъул бўлган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиши бунинг амалий ифодасидир.

Сўзга чиққанлар аҳолининг барча қатлами орасида, айниқса, ёшларда коррупцияга қарши муросасиз курашиш маданиятини кучайтириш, ушбу иллатнинг олдини олиш нафақат давлат органлари, балки жамият барча аъзосининг бурчи эканлигини таъкидлашди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан партия лойиҳаси доирасида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Эндиликда унга агентлик билан ҳамкорликда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши курашишга фуқароларни кенг жалб этиш бўйича янги вазифалар белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

➔ 2

## ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР ЭЗГУ ТАШАББУС

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 26-27 июнь кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ушбу ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли лойиҳалар билан танишди. Мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли чора-тадбирларни белгилаб берди.*

### Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбари фаоллар йиғилишида миллий маданиятни ривожлантириш ва шу аснода иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш бўйича ниҳоятда ҳаётий ҳамда долзарб ташаббусни илгари сурди. Унга кўра, эндиликда ҳар бир умумтаълим мактаби ўқувчисининг шаҳодатномасига адабиёт, она тили, физика, математика ва бошқа кўплаб фанлар қаторида бирон мусиқий чолғу чалишни ўрганганлиги тўғрисидаги баҳо ҳам қўйилади.

Хўш, ушбу таклиф қайси жиҳатлари билан қалбимизни нурафшон этди? Унинг замирида қандай эзгу мақсад-муддаолар мужассам?

Бу ҳақда гап кетганда, аввало, ушбу ташаббус юртимизда миллий маданият ва санъатни янада ривожлантиришга қаратилган ҳаётбахш ислоҳотларнинг узвий давоми эканини таъкидлаш жоиз.

➔ 4

## Ғурур ва ифтихоримиз тимсоли

*Пурвиқор тоғлар, дарёлар ва буғдой бошоқлари. Чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра заррин нурларини сочиб турган қуёш...*

### Фахр

Ҳар сафар гербимизни кўрганда, қалбимни ажиб бир ҳаяжон, фахр, қувонч ва шукрона туйғулар чулғаб олади.

Аслида, она юртини севган, ўзини мана шу муқаддас Ватаннинг ажралмас қисми ҳисоблаган инсонлар давлат рамзларига шундай муносабатда бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби 28 йил аввал, айнан мана шу 2 июль куни “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланганда, аксарият ҳамюртларимиз айнан шу туйғуларни ҳис қилган бўлса керак.

Ўтган вақт мобайнида гербимизни қадрият деб билган бир эмас, бир неча авлод улғайди. Ёши улуғ инсонлар ҳам унинг аҳамиятини нафақат онги, балки қалби билан тушундилар.

➔ 3

## ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ РАМЗЛАРИ

**1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради.**

**Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган.**




**Гербнинг юқори қисмида саккизбурчак — мусамман, унинг ичида ярим ой ва юлдуз ўз аксини топган. Ярим ой — қўлга киритилган мустақиллигимизни, юлдуз халқимиз ҳамиша комилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлаганини англатади.**

**Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “O‘zbekiston” деб ёзиб қўйилган.**

**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда бўлиб турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, "Томорқа хизмати" МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, ажратиладиган **кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктигача қоплаб бериш** тизими жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида камида 30 та аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш харажатларининг **70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиган** қисмини қоплашга субсидия ажратсин.

5. **2022 йил 1 январга қадар 2-иловага мувофиқ товарларни** олиб киришда божхона божининг (божхона расмийлаштируви учун тўлов ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ноль ставкалари белгилансин.

6. "Ўзбекчорванасл" агентлиги бир ой муддатда цистернада автоматлашган сут ҳажмини ўлчаш ва тозалаш механизмига эга сут маҳсулотлари йиғиш машиналари ҳамда мотокультиваторларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда "Ўзавтосаноат" АЖга техник вазифани киритсин.

"Ўзавтосаноат" АЖ "Ўзбекчорванасл" агентлигининг техник вазифаси асосида, бир ой муддатда цистернада автоматлашган сут ҳажмини ўлчаш ва тозалаш механизмига эга **сут маҳсулотлари йиғиш машиналари ҳамда мотокультиваторларни маҳаллийлаштириш** бўйича аниқ чораларни кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар **сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида қазиладиган қудуқларнинг манзилли дастурини** шакллантиради ва тасдиқлайди;

лойиҳа ташаббускорларига белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга асосан ажратиладиган субсидиялар 2020-2021 йилларда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ҳамда 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда тупроқ-иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғ ва кўчатларини ҳудудлар кесимида экиш, етиштириш ва сифатли маҳсулот олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини ва жойларга етказилишини;

2021 йил 1 январга қадар Фарғона вилоятида "Томорқа хизмати" МЧЖ таклифлари асосида Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари ҳузуридаги "Ахборот-маслаҳат марказ"лари (Extension center) ҳамда "In-vitro" лабораторияси томонидан ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари ва кўчатларини тайёрлаш, етказиб бериш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ҳамда етиштириш агротехникаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш юзасидан маслаҳат ва тавсиялар бериш бўйича хизматлар шартнома асосида ташкил этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланган ҳолда икки марта ҳосил олиш ишларини ташкил этсин.

10. Тошкент давлат аграр университети, Фарғона вилояти Қува туманидаги Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази "Томорқа хизмати" МЧЖлар таклифлари асосида уларнинг ходимларини ва бирга ишловчи томорқа ер эгаларининг малакасини оширишни тизимли ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. И. Барноев ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А. Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# БЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар:

Марказнинг бошқарув ходимлари чекланган сони 309 нафар, шу жумладан, марказий аппарат бошқарув ходимлари сони — 22 нафар этиб;

Агентликнинг Бўш турган давлат объектларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси тугатилиб, унинг 8 та штат бирлиги Марказга ўтказилиши;

Марказнинг марказий аппарати моддий-техник таъминоти ва 9 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилиши;

ҳудудий бошқармаларнинг 287 нафар бошқарув ходими штат бирлигини, шунингдек, марказий аппаратнинг 13 нафар бошқарув ходими штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

Белгилансинки, Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимларига, тўлов манбаларидан қатъи назар, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Марказ директорига Агентлик директори билан келишилган ҳолда Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан марказий аппарат ва ҳудудий бошқармаларга бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар Марказ ва ҳудудий бошқармалар фаолиятини (ходимларнинг иш ҳақи, мукофотлар, устамалар ва бошқа тўловлар) молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

давлат мулки объектлари ижарасидан қонунчиликда белгиланган тартибда тушадиган маблағлар;

Агентликнинг ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

Марказ Агентликнинг тугатилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги "Давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхоналарининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, шартномавий муносабатлар бўйича ҳуқуқий ворисси ҳисобланади;

бўш турган объектлар тўғрисидаги маълумотлар Марказ томонидан автоматлаштирилган тизим орқали тегишли давлат органларидан олинади;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимлари ўз ваколатлари доирасида бўш турган объектларга тўсқинликсиз киради ва кўздан кечиради. Бунда хусусий мулк объектларига кириш ва уларни кўздан кечириш Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида амалга оширилади;

Марказ ва ҳудудий бошқармаларга тегишли давлат мулки объектларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказ ҳисобидан, пул маблағлари мавжуд бўлмаганда Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

Марказ бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради;

бўш турган объектлар тўғрисида маълумотлар (объект тўғрисидаги қисқа маълумот, геолокация жойлашуви ва бошқалар) Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва ҳар ойда янгилаб борилади;

белгиланган тартибда тузилган фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш ва фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб этиш бўйича ишчи гуруҳлар ҳудудий бошқармаларга ҳафталик ахборот киритиб боради;

ҳудудий бошқармалар ходимлари туман (шаҳар)ларнинг ҳар бир маҳалласига бириктирилади ҳамда ваколати доирасида маҳалла ҳудудида жойлашган бўш турган объектларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этади;

бўш турган давлат мулки объектлари, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган объектлар бундан мустасно, сақлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, ижарага бериш ва бошқа) мақсадида Марказ ва ҳудудий бошқармаларга топширилади;

бўш турган объектлар рўйхати Марказ томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига киритиб борилади;

Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) барча аукцион савдолари натижалари QR-код (матрик штрихли код)ни қўллаш орқали расмийлаштирилади;

б) "E-IJRO AUKSION" тизимида қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий қилинади:

"мобиль идентификация қилиш" билан шахсни идентификациялаш имконини берувчи мобиль иловалар орқали аукционда иштирок этиш;

давлат мулки объектларини ижарага бериш шартномасини ижарага берувчи ва ижарачи ўртасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) икки томонлама тузиш орқали расмийлаштириш;

савдоларда мавжуд бўлган лотлар ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи доимий янгиланиб турадиган ва Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган электрон каталогни яратиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси доимий равишда бўш турган объектларни аниқлаб, уларни Марказ ва ҳудудий бошқармаларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиб бориш чораларини кўрсин.

8. Агентлик бир ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

Марказ ва ҳудудий бошқармаларни замонавий техника билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар зиммасига юклатилган вазифалар юзасидан судларга киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бинолардан фойдаланиш дирекцияси" давлат унитар корхонаси негизида давлат муассасаси шаклидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш дирекциясини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарор ижросини таъминлаш доирасида Марказнинг харажатлари учун 2020 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Марказга хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 3 та, шу жумладан, 2 та шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ мурожаатига асосан уни ўрнатилган тартибда ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 1 июль

# АҚШ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

← 1

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди. Қайд этилганидек, сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар сезиларли даражада ўсди. Бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат асос бўлмоқда. Айни жараёнда парламентлараро алоқаларга алоҳида аҳамият беріляпти.

Томонлар Ўзбекистон — АҚШ парламент ҳамкорлиги гуруҳи, АҚШ Конгрессининг "Ўзбекистон бўйича Кокус" тузилмаси фаолиятини жадаллаштириш, демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича конструктив мулоқотни янада ривожлантириш борасида ўзаро фикр алмашди.

АҚШ билан ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий, молиявий, инвестиция ва замонавий технология йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда "Doing business — 2020" йиллик рейтингида Ўзбекистон энг юқори кўрсаткичга эришган йигирмата мамлакат қаторига киргани эътироф этилди.

Сенат фаолияти ва парламентда аёллар ўрни, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида сўз юритилди.

АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш, мажбурий меҳнат билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш масалаларига, бу борада биргаликда ишлаш истиқболларига урғу берилди.

Мулоқот давомида бир қатор қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида парламентнинг ролини янада ошириш мақсадида парламентаризмни қўллаб-қувватлаш, парламент аъзолари ва ходимларининг АҚШ тажрибасини ўрганиш учун АҚШ Конгрессида амалиёт ўташини ташкил этиш, Ўзбекистонда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган аёллар учун инновацион технологиялардан фойдаланишга шарт-шароит яратиш, қишлоқларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, аёлларга нисбатан зўравонликка қарши чораларни амалга ошириш ҳамда одам савдосига қарши курашиш бўйича таклифлар билдирилди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Соғлиқни сақлаш, таълим ва қурилиш соҳаларида коррупцияга қарши курашиш аҳволи қандай?

← 1

Капитал қурилиш соҳасида қурилиш сифати ва кўламини ошириш, тизимда шаффоф механизмларни жорий қилишга эътибор кучайтирилди. Хусусан, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини тадбиркорлик ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун "E-IJRO AUKSION" савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали бериш, аукцион ғолибларига тўғридан-тўғри ҳудудий кадастр бўлинмалари томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан шу йилнинг февраль-март ойларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги жами 631 та ташкилот ҳамда муассасада меҳнат муносабатларига оид локал ҳужжатлар ва меҳнат шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ҳамда ушбу локал ҳужжатларда белгиланган талабга риоя қилиниши бўйича ўрганишлар ўтказилгани йиғилишда қайд этилди.

Ўрганишлар давомида жами 4896 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди, 458 та меҳнат муносабатига оид буйруқ бекор қилиниб, қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилди. 20 та муассасада жамоат шартномалари ва 9 та муассасада ички меҳнат тартиб-қоидалари юритилмаганлиги ҳамда 57 та муассасада ушбу локал ҳужжатлар қонунчилик талабларига зид равишда ишлаб чиқилганлиги аниқланиб, уларни янгидан тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилган.

Мажлисда мазкур соҳаларда коррупцияга қарши курашиш борасида айрим камчиликлар ҳам борлигига урғу берилди.

Қайд этилганидек, сўнгги икки йилда таълим тизимида 326 нафар ходим таълим жараёни билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликка тортилган. 317 нафар, яъни 97 фоиз ходим содир этган қилмишлар коррупциявий жиноят ҳисобланади. 91 та давлат олий ўқув юртининг 40 тасида раҳбар ёки профессор-ўқитувчилар томонидан таълимга алоқадор жиноят содир этилган. Мавжуд 970 та коллеж ва лицейлардан 131 таси, яъни 14 фоизида таълим билан боғлиқ жиноятлар юз берган.

Сўнгги икки йилда соғлиқни сақлаш тизимида 581 ходим турли жиноятларни содир қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, улардан 114 нафари, яъни ҳар тўртинчиси томонидан содир этилган қилмиш коррупцион жиноят эканлигини кўрсатди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# Ҳар бир мурожаат — эътиборда

*Жорий йил бошидан шу кунга қадар парламент юқори палатасига 5784 та мурожаат келиб тушган. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизими яхши йўлга қўйилгани боис ўтган даврда уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.*

Яна бир жиҳат, карантин даврида фуқаролар Олий Мажлис юқори палатасининг виртуал қабулхонаси ва Сенат Раисининг "facebook.com"даги расмий саҳифаси орқали ҳам мурожаат йўллашмоқда.

Ана шулардан бири — наманганлик Мафтуна Олий Мажлис Сенати Раисининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ўз саломатлигини тиклаш борасида амалий ёрдам сўраган. Қайд этишича, 18 ёшли Мафтуна бахтсиз ҳодиса туфайли оғир тан жароҳати олган.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Носирбек Абдуллахонов ушбу фуқаро билан учрашиб, унинг мурожаатини ўргани. Сенатор Мафтунанинг даволанишига амалий ёрдам берди. Жумладан, Ўзбекистондаги хусусий клиникалардан бирида фаолият юритаётган хорижлик тиббиёт олими, тажрибали шифокор кўригидан ўтишини ташкиллаштирди. Бундан табиийки, авваламбор, Мафтунанинг, қолаверса, барча оила аъзоларининг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Боливиялик шифокор Владимир Тапия Фернандес Мафтунани кўрикдан ўтказиб, уни даволаш истагини билдирди.

— Давлатимиз томонидан сўнгги йилларда тиббиётга, айниқса, хусусий секторга берилаётган эътибор ва имтиёзлар бугун ўзининг ижобий самарасини кўрсатаётир, — дейди сенатор Н. Абдуллахонов. — Яъни хусусий тиббиёт клиникаларига ҳам чет элдан малакали шифокорлар жалб қилиниб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бу эса фуқароларимизнинг маблағ сарфлаб чет элга бориши, вақтини йўқотиши, оворагарчиликларнинг олдини олмоқда.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш жоизки, муаммосига ечим излаган фуқаро давлат ва жамиятга бўлган ишончни ўз мурожаатига бўлган муносабатида кўради. Модомики, шундай экан, айниқса, бугунги карантин шароитида ҳар бир давлат хизматчиси фуқароларнинг мурожаатлари, унинг ортида эса инсон тақдири ҳамда манфаатлари турганлигига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

**«Халқ сўзи».**

# Вазифалар ижроси қатъий назоратга олинади

← 1

Агентлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул қўмиталари, маҳаллий Кенгашларнинг тегишли комиссиялари билан ҳамкорлик қилиши белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, жойлардаги коррупциоген вазиятни тўғри баҳолаш орқали бу иллатга қарши курашишга қаратилган дастурларнинг ишлаб чиқилишида депутатлик корпуси билан алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Депутатлар ва партия фаоллари юқоридаги ҳужжатлар билан белгиланган барча масаланинг ижроси тўлиқ таъминланишини қатъий назоратга олиш ва бу жараёнда бевосита қатнашишга келишиб олдилар.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# Оилавий муносабатларга дарз кетмасин, акс ҳолда...

*Оила — инсон учун энг муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Оиласи тинч-хотиржам инсон жамиятда ўз ўрнини топади, ўша оилада улғайган фарзандлар ҳам яхши инсонлар бўлиб камолга етади. Минг афсуски, бугунги кунда жамиятимизда пароканда бўлган оилалар, ажрашиб фарзандларини тирик етим қилаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда "Пандемия даврида оилада соғлом муҳитни сақлаш: муаммолар ва ечимлар" мавзуида ўтказган онлайн видеомулоқотда шу ҳақда сўз борди.

Таъкидлаб ўтилганидек, оила ҳар бир инсон ҳаётида муҳим ўрин тутади. Чунки бу муқаддас даргоҳда улғаямиз, камол топамиз, ўзлигимизни англаб етамиз. Шу боис мамлакатимизда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, ҳозирги мураккаб шароит — коронавирус пандемияси даврида улардаги соғлом муҳитни асрашга янада жиддий эътибор қаратилмоқда.

Видеомулоқотда оилавий муносабатлар, кундалик ҳаётда учраб турадиган келишмовчиликлар, қайнона-келин муносабатлари, йигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари хусусида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, эътиборли томони шундаки, ҳамма бахтиёр яшашни истайди. Гўзал муомала, яхши хулқ, бир-бирини тушуниш ҳисси билан яшаган оилалар доимо саодатга эришиши аниқ. Бироқ оиладаги носоғлом муҳит нафақат ҳуқуқбузарликлар, балки оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига ҳам шароит яратиши мумкин. Кейинги вақтларда мамлакатимизда оилавий муносабатлар чигаллашиши оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатлар рўй бераётгани бунга яққол мисолдир. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун мутасадди ташкилотлар доимий ва узвий ҳамкорликда иш олиб бориши зарур. Шу билан бирга, жойларда ушбу йўналишда тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим.

Тадбирда яна бир муҳим масала — оилавий зўравонлик, унинг оқибатларига ҳам тўхталиб ўтилди. Эр ва хотин келишмовчилиги, минг афсуски, кўп ҳолларда кучли жинс вакиллари томонидан ожизаларга зўравонлик қилишгача бориб етмоқда. Бу дунё мамлакатларида кузатилаётган тенденция. Кўп ҳолларда изоляция жараёни зўравонликка мойил ҳамроҳларга эга аёллар учун катта хавф туғдирган. Рақамлар эса қатор мамлакатларда бу кўрсаткичлар кўпайганини кўрсатмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, оилавий зўравонликдан азият чеккан аёллардан бўлган телефон қўнғироқлари ўтган йилдагига нисбатан 60 фоиз ошган. "Ишонч телефонлари"га қўнғироқлар беш баробар кўпайган. Оилавий зўравонликдан нафақат аёллар, балки болалар ва қариялар ҳам азият чекаётир. БМТ шарҳларида келтирилишича, коронавирус сабабли изоляция чоралари яна ярим йил узайтирилса, дунёда яна 30 миллион атрофида зўравонлик ҳолатлари қайд этилиши мумкин.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, оила мамлакат ичидаги кичик жамият бўлиб, унинг аҳиллиги, бирдамлиги ва жипслиги бутун халқнинг мустаҳкамлигига хизмат қилади. Шундай экан, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ишларни тизимли ташкил этиш зарур. Ҳудудларда муаммоли оилаларга тезкор ҳамда сифатли ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилиши эса мамлакатимиз оилаларининг мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган видеомулоқотда оила ва тарбия, дин ҳамда оила, оила ва жамоатчилик каби мавзулар бўйича ҳам атрофлича фикр юритилди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# «Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак»

*Адолат бор жойда изланиш ва тараққиёт кузатилади, одамлар эртанги кунга комил ишонч билан қарайди. Адолат устуворлиги суд муассасаларида янада муҳим аҳамиятга эга. Шусиз ҳам тергов ва суд идорасига қатнайвериб бўлари бўлган, боши гангиган инсон учун адолатнинг баҳоси жуда баланд. Шу сабабли кейинги йилларда мамлакатимизда одил судловни таъминлашга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда.*

## Фикр

Куни кеча Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу йўналишда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди ва янги вазифалар белгилаб берилди.

Эътибор қилинг: охирги уч йилда мазкур масалага доир 20 дан ортиқ қонун, Фармон ҳамда қарорлар қабул қилинган бўлиб, бу амалда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ана шу даврда 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган. Жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ҳамда жамоатчилик кафиллигига олингани ҳам биз эришган катта ютуқлардан биридир. Бунинг акси ўлароқ, инсон ҳуқуқларини бузган масъул шахслар жазоланяпти. Ўтган даврда 60 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходими жиноий жавобгарликка тортилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Албатта, ушбу натижалар барчамизни мамнун этади. Лекин бу “ҳаммаси зўр” дегани эмас. Шу боис йиғилишда “Бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Лекин халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ” дея алоҳида таъкидланди.

Хўш, биз, сенаторларнинг бу жараёндаги иштирокимиз қандай бўлади?

Маълумки, Олий Мажлис палаталари етакчилари бошчилигида парламент аъзолари жойларда халқ билан очиқ мулоқот ўтказган пайтда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очиқ-ойдин баён қилган эди. Шу тажрибадан келиб чиқиб, депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда одил судловга кўмаклашиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб борилиши йиғилишда айтиб ўтилди. Учрашувлар давомида аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда танқидий руҳда муҳокама қилиб бориладй ҳамда мутасаддилар олдига аниқ саволлар қўйилиб, тегишлича баҳоланади.

Олий Мажлисдаги тегишли қўмиталар ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинги юритилишига бош-қош бўлади ва ҳар ярим йилда уларнинг натижалари юзасидан парламент эшитувлари ва текширувларини ҳам йўлга қўяди.

Ана шу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш орқали биз одил судлов қарор топишига салмоқли ҳисса қўшган бўламиз. Зеро, селектор йиғилишида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак”.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# Ғурур ва ифтихоримиз тимсоли

←1

Улар бугун республикамиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган инсонларга айландилар. Бу бежиз эмас, чунки давлат рамзларининг оломонни халққа айлантирадиган, одамларни эзгу мақсад йўлида бирлаштирадиган улкан тарбиявий кучи борки, унинг аҳамияти ҳеч бир муболағасиз беқиёс.

Инсоният тараққиёт йўлидан борар экан, ҳар бир халқ ўзига хос миллий давлат рамзларини шакллантиради ва уларни чуқур ҳурмат қилади. Чунки ҳар қандай маданият бирдамлиги унинг рамзларига хос умумий тилига асосланади. Шу боисдан бундай тимсоллар одамларга жиддий таъсир қилади. Давлат рамзлари фуқароларни ҳаётий ютуқларга илҳомлантиради.

Шу ўринда Давлат гербининг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканмиз, бу рамз мамлакатимиз тарихини ва бугунги кунини акс эттирувчи, фуқароларининг ўз Ватанига бўлган муҳаббатини кўрсатувчи восита сифатида, айниқса, қадрлидир. Шу боис давлат рамзларига муносабат, бу — давлатнинг ўзи, халқ ва Ватанга муносабатдир. Шу жиҳатдан улар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида амалиётда қўлланилади.

Жумладан, давлат рамзларига оид мавзуларнинг турли босқичдаги таълим дастурларига киритилганлиги ёш авлод онгини шакллантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бугунги кунда ҳаттоки, энг узоқ қишлоқдаги мактаб ўқувчиларидан ҳам Давлат гербидаги Ҳумо қуши ҳақида сўрасангиз, улар болаларга хос оддий тилда бу қуш — бахт рамзи эканлигини, унинг тасвирини дуч келган жойларга ташламаслик лозимлигини, герб эса халқимизга хос энг олий фазилатлар ҳақида сўзлашини гапириб берадилар. Шундай пайтда онгли инсон бўлиб улғаяётган фарзандларимиздан фахрланасан киши, уларни давлат рамзларига содиқ қилиб тарбиялаётган устозларга раҳмат айтгинг келади.

Бугунги кунда давлат рамзларини оммалаштириш фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жиҳатидан умумдавлат аҳамиятига эга. Шу боисдан уларни жамият ҳаётининг барча соҳасида тарғиб қилиш масаласи доимий диққат марказида бўлиши керак.

Зеро, айнан давлат рамзлари миллий суверенитетимиз ва ўзига хослигимизни, қадриятларимиз ҳамда мақсадларимизни акс эттиради ва шуниси билан биз учун қадрлидир. Шундай экан, эрк ҳамда ҳурлигимиз, ҳалол меҳнатимиз, муқаддас динимиз ва энг эзгу қадриятларимизнинг тимсолини доимо ардоқлайлик.

**Ҳасан НОРМУРОДОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# «ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАБРИГИДАН ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ КУЧ ОЛДИК, ЧАНДОН РУҲЛАНДИК»

*Бу йилги 30 июнь — Ёшлар кунини пандемия шароити бўлишига қарамай, мамлакатимиз йигит-қизлари кўтаринки кайфиятда ўтказди. Президентимизнинг ёшларга йўллаган байрам табриги барчага баланд руҳ улашди. Бу уларнинг қуйидаги дил сўзларида ҳам яққол намоён.*

## Дил сўзи

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,**
**ГулДУ талабаси:**



— Юртбошимиз табригини тинглаб, шу юртда яшаётганимга яна бир бор қувондим, шукр қилдим. Янги мақсадлар сари бекиёс куч олдим, чандон руҳландим.

Байрам табригида навқирон авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилаётгани таъкидланган. Дарҳақиқат, бу эътибор ва ғамхўрликни ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.

Ўзимдан қиёс: жорий йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаоли сифатида имтиёзли асосда олий таълим муассасаси талабаси бўлдим. Мақсадларим кўп. Аввало, ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиш.

Халқимиз, Ватанимиз биздан буюк ишларни кутмоқда. Яқин келажакда Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиши учун ҳам биз, ёшлар камарбаста бўлишимиз шарт. Бунинг учун Президентимиз белгилаб бераётган устувор вазифалардан оғишмай ҳаракат қилишимиз, тинимсиз ўқиб, изланишимиз, аждодларга муносиб авлод бўлишимиз талаб этилади.

**Моҳира БОЛТАЕВА,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**



— Президентимизнинг табригида таъкидланганидек, бизнинг таълим-тарбия олишимиз учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ҳар йили янгидан-янги, кўркам таълим даргоҳлари қурилиб, мавжудлари жаҳон стандартларига монанд таъмирланяпти, зарур лабораториялар билан жиҳозланяпти. Бунинг самараси ёшларнинг ютуқларида намоён бўлаётир. Бугунги навқирон авлод дунёдаги тенгдошлари билан дадил рақобатга кирмоқда, уларнинг овози жаҳон саҳнида бараллa янграмоқда.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиси сифатида қатор танлов ва фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашдим. Ўтган йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган 53-халқаро Менделеев олимпиадасида бронза медаль, кимё фанидан Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган 51-Жаҳон олимпиадасида кумуш медални қўлга киритдим. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори сифатида олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилиндим. Бу юртимизда ёшларнинг юксак парвози учун кенг майдон яратилгани самарасидир.

**Акмалжон БЕРДИМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидаги бошланғич ташкилоти етакчиси:**



— Давлатимиз раҳбарининг байрам табригини тинглаб, ниҳоятда таъсирландим. Амин бўлдимки, Президентимиз биз, ёшларга ишонмоқда, чуқур билим олишга, замонавий технологияларни пухта эгаллашга, келгусида Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишга даъват этмоқда.

Мамлакатимизда яратилаётган имкониятлардан фойдаланаётган билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётир.

Институтимизда уч йилдан буён ёшлар етакчиси вазифасида фаолият олиб боряпман. Жорий пандемия бутун халқимиз қатори биз, ёшларни ҳам янада жипслашишга ундади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан йўлга қўйилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилдик.

Ёшлар куни арафасида “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонига лойиқ кўрилганимдан жуда хурсанд бўлдим. Руҳим янада кўтарилди. Келгусида ҳам ушбу ишончни оқлашга, фаол ёшлар сафини кенгайтириб, таълим-тарбия, жамоатчилик соҳасида ўзимнинг бор куч-ғайратимни сафарбар этишга ҳаракат қиламан.

**«Халқ сўзи».**

# Булунғурда «ЁШЛАР МЕҲНАТ ГУЗАРИ» барпо этилди

*Мамлакатимизда ёш авлоднинг талаб ва таклифларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ана шу масалаларни самарали ҳал қилишда катта аҳамият касб этмоқда.*

## Имконият

Юртимизда Ёшлар куни кенг нишонланди. Шу боис булунғурлик йигит-қизлар учун имкониятлар эшиги янада кенг очилди. Сабаби туман марказидан анча олис ҳудудлардан бири бўлмиш Фозил Йўлдош мавзесида навбатдаги “Ёшлар меҳнат гузари” иш бошлади. У ёшлар ташкилотининг масъул ходимларидан бири — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Булунғур тумани кенгаши бош мутахассиси, ёш тадбиркор И. Нажмиддинов томонидан барпо этилди.

Очилиш маросимида сўзга чиққан мутасаддилар мазкур маҳалла ёшлари учун янги имкониятлар, янги иш ўринлари яратилгани, йил давомида бу каби гузарлар туманнинг бошқа манзилларида ҳам фойдаланишга топширилишини таъкидлаб ўтди.

Мазкур “Ёшлар меҳнат гузари”нинг лойиҳа қиймати 1,4 миллиард сўм бўлиб, бугунги кунда 11 янги иш ўрни яратилди. Келгусида иш ўринлари сонини кўпайтириб бориш режалаштирилган.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МИНГ МАРТА ЭШИТГАНДАН, БИР МАРТА КЎРГАН АФЗАЛ



- ✓ ЁШ ИХТИРОЧИ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР УЧУН МАСОФАДАН ТУРИБ БОШҚАРИЛАДИГАН МАШИНА ЯРАТДИ;
- ✓ НАМАНГАН, АНДИЖОН ВА ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОЧИЛАДИ;
- ✓ “UZWOOLENTEX” КОРХОНАСИДА АВСТРАЛИЯНИНГ МЕРИНОС ЖУНИДАН МАТОЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

## Пресс-тур

*Ушбу янгиликлар ва хушхабарлар манзилини Фарғона вилояти билан боғлаш мумкин. Зеро, бугунги кунда мазкур вилоятда барча соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида ушбу вилоятга ташкил қилинган медиа-тур сабаб ҳудуддаги ўзгаришлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар, умуман, одамлардаги жўшқин кайфиятнинг яна бир бор гувоҳи бўлдик. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда республика миқёсида фаолият юритаётган журналистлар, блогерлар қатнашди.*

*Журналистларни Марғилон темир йўл вокзалида фарғоналикларга хос меҳмондўстлик, ўзгача лутф билан кутиб олишди. Медиа-тур доирасида дастлаб Марғилон шаҳридаги Ҳунармандлар маркази фаолияти билан танишилди.*

### Битта гилам 60 минг долларга сотилди

Марғилон — ҳунармандлар шаҳри. Яқинда ушбу ҳудудда Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан Ҳунармандлар маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Давлат-хусусий шериклик асосидаги ушбу марказда 600 нафар уста фаолият бошлаб, 200 дан ортиқ турдаги атлас ва адрас тўқиш, гиламчилик, маиший хизмат, тикувчилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 2 мингга яқин хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминланди.

Марказдаги устахона-дўконларда матога гул чизиш, боғлаш, қад тайёрлаш жараёнлари кўргазмали тарзда намойиш этилади. Бинонинг юқори қаватида гилам цехи жойлашган бўлиб, бу ерда барча маҳсулот тўлиқ қўлда, 100 фоиз тоза ипакдан тўқилади.

— Узоқ йиллардан буён шу соҳада ишлайман, — дейди тадбиркор И. Султонов. — Бизнинг “Исмоилжон гиламлари” корхонаси маҳсулотлари дунёга машҳур. Бу ерда асл ипакка табиий бўёқлардан гул чизиб, мато тўқилади. Шу боис маҳсулотларнинг харидори кўп. Гиламлар, асосан, Туркияга, атлас, адрас, шойи каби матолар Саудия Арабистони, БАА, Россия, Қозоғистон, Тожикистонга экспорт қилиняпти.

Маълумотларга кўра, ушбу корхонада тўқилаётган гиламлар буюртма асосида тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилади. Гилам ҳажми, ундаги тугунларнинг кўп ёки озлигига қараб, унинг нархи янада юқори бўлади. Яқинда битта гилам 60 минг долларга сотилгани, йиллик экспорт ҳажми 1,5 — 2 млн. АҚШ доллари бўлаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

### Масофадан туриб бошқариладиган машина

Навбатдаги манзилимиз — Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар маркази бўлди. Замонавий кўриниш касб этган ушбу марказ рақамли технологиялар ва иқтисодиёт бўйича ягона марказлашган комплекс тизим яратиш ҳамда хизматлар тақдим қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу ерда электрон ахборот-ресурс маркази, 60 ўринли анжуманлар зали, музокаралар хонаси, видеостудия бўлиб, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик, робототехника ҳамда киберспорт асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ва самарали механизмларини яратиш учун барча шароит яратилган.

Марказ раҳбари Баҳром Жалиловнинг маълум қилишича, РТМда йил давомида 2 мингдан ортиқ мутахассисларни тайёрлаш имконияти мавжуд. Бу ерда Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали, Фарғона политехника институти ҳамда Тошкент техника университети Фарғона филиали талабалари учун амалий машғулотлар, лаборатория дарслари ўтказилади.



ТАТУнинг Фарғона филиали талабаси Миродил Турсуналиевнинг яратган ихтироси журналистлар эътиборини тортди.

— Имконияти чекланган ёш болалар учун масофадан туриб бошқариладиган машина яратдим, — дейди ихтирочи-талаба М. Турсуналиев. — Уни телефондаги мобиль илова орқали онлайн режимда бошқариш мумкин. Бу ота-оналар учун жуда қулай. Унга аккумулятор ўрнатилган бўлиб, қуввати 4-5 соатга етади. Ҳозирги кунда уни янада такомиллаштириш устида ишлаяпмиз. Машинамизга буюртмалар ҳам қабул қиляпмиз. Энг арзони 2 миллион сўмга баҳоланган.

### Яна бир йирик лойиҳага қўл урилди

Медиа-тур иштирокчилари жунли матоларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича яна бир катта лойиҳага қўл урилганига гувоҳ бўлишди.

Гап шундаки, тадбиркор Наргиза Аминова 2018 йилда узоқ вақт қаровсиз ётган бинода “UZWOOLENTEX” корхонасини ташкил этиб, бу ерда хизмат кийимлари учун жун аралашмали матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга дунё бозорида талаб юқори. Айни пайтда Россия, Беларусь сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

— Биринчи босқичда давлатимиз раҳбари топшириқларига асосан, ҳарбийлар ва давлат хизматчиларининг кийимбошлари учун яримжун матоли газламалар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди Н. Аминова. — Шу пайтгача булар Беларусь ва Хитой давлатларидан импорт қилинган. Матоларимизнинг сифати аъло, буни лабораториялар ҳам тасдиқлаяпти. Келгусида яна бир қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Маълумотларга кўра, Австралиянинг меринос жунидан тайёрланаётган матолар қуёш нуридан сақлайди, ҳаво ўтказувчанлиги жуда юқори, антибактериал хусусиятга ҳам эга, ҳидсиз. Италия технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Қозоғистонга экспорт қилишдан бошланган бўлса, ҳозирги кунда Европага олиб чиқиш бўйича ишлар кетяпти.

Шунингдек, журналистлар Фарғона туманида ишга туширилган “Экокерама” МЧЖ фаолияти билан ҳам танишди.

### «3+1 дастури» асосида таълим берилади

Журналистлар Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон — Корея халқаро университетида ҳам бўлди. Ўтган йили ташкил этилган мазкур таълим муассасаси 4 минг нафар талабани қабул қилиш имкониятига эга. Таълим илғор ўқув режалари ва дастурлари бўйича ўзбек, корейс, инглиз тилларида олиб борилади.

Университетга Корея Республикасидан 11 тажрибали педагог жалб қилинган бўлиб, келгусида 43 нафарга етказиш кўзда тутилган. Жорий йилда мазкур халқаро таълим даргоҳи учун янги бино қурилди.

Университет проректори Ю Сонг Ининг таъкидлашича, ўтган йилда 7 факультет бор эди. Жорий йилдан 11 факультетга талабалар қабул қилинади. Келажакда “3+1 дастури” асосида Жанубий Кореяда ўқиш имконияти яратилади. Мактабгача таълим факультетида шу соҳа ўқитувчисининг касбий билимлари, амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган мактабгача таълим ва амалий ўқув дастурлари мавжуд. Буни амалга татбиқ этиш учун Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида университет боғчалари очилади.

Муассасада гуманитар ҳамда техник-муҳандислик йўналишларида таълим берилади. Хусусан, туризм менежменти, мактабгача таълим, менежмент ва компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби, корейс тили ва адабиёти фанлари ўқитилади. Машинасозлик муҳандислиги, келажак автомобилсозлиги инжиниринги, электротехника ва электроника муҳандислиги, архитектура муҳандислиги, компьютер муҳандислиги, энергетика ва кимё муҳандислиги бўйича ҳам малакали мутахассислар тайёрланади.

### «Кам гапириб, кўп ишлаш керак…»

Медиа-тур якунида Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ғаниев иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ҳоким вилоятда амалга оширилаётган ишлар, режалар ва муаммолар ҳақида маълумотлар берди. Шунингдек, журналистлар саволларига жавоб қайтарди.

Маълумотларга кўра, вилоят аҳолисининг сони 4 миллион нафарга яқинлашди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда қарийб 44 триллион сўмга яқинлашиши кутиляпти. Вилоятда ҳунармандлар билан бирга ҳисоблаганда, 59 мингдан ортиқ тадбиркорлар мавжуд. Ижтимоий фаол аҳоли 1,7 млн. атрофида, йилига меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларимиз сони ўртача 62-63 минг нафарни ташкил қиляпти. ЯҲМда хусусий тадбиркорлар улуши 70 фоиздан ошди.

Вилоят раҳбари Марғилонда Туркия билан ҳамкорликда университет очилиши ҳақида ҳам сўз юритди.

— Ҳозир Туркия Республикасининг Бурса халқаро университети билан мулоқотлар олиб боряпмиз, — дейди вилоят ҳокими. — Хусусан, Марғилон шаҳрида тўқимачилик технологияси ва ҳунармандчилик йўналишлари бўйича университет очиш юзасидан битимга имзо чекдик. Бу эса келгусида тўқимачилик соҳасидаги ҳар томонлама етук кадрлар етиштириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда қўл келади.

Шунингдек, учрашувда вилоят раҳбари аҳоли бандлигини таъминлаш, “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси, Сўх туманида амалга оширилаётган ишлар, туризм, китобхонлик, санъат ва таълим соҳаларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Ш. Ғаниев матбуот анжуманида маддоҳлик ҳақидаги саволга жавоб қайтарар экан, “буни — бажармаган ишни гапиришдир, менинг ҳоким сифатида ўз принципим бор. Кам гапириб, кўп ишлаш керак, ўзини иши билан кўрсатиш керак. Қайсидир ишни бажариб ташлайман, деган ваъдаларга ишонмайман. Барча ишлар сўзда эмас, балки амалда бўлиши керак” дея муносабат билдирди. Учрашув қизғин, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

“Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал”, дейди халқимиз. Фарғона вилоятига уюштирилган медиа-тур худди шу нақлнинг амалда ижроси бўлди, десак, адашмаймиз. Очиғи, водийга бориб, амалга оширилаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўриб, бир дунё таассуротлар билан қайтдик. Англадикки, ҳудуддаги ислоҳотлар, ўзгаришларнинг барчаси, аввало, аҳоли турмуш даражасини ошириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш, одамларни рози қилишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБИ ЙЎЛИДАГИ

# ЯНА БИР ЭЗГУ ТАШАББУС



1

Дарҳақиқат, кейинги уч-тўрт йил давомида Президентимизнинг соҳа тараққиётига қаратилган қатор Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди. Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди. Беш муҳим ташаббус асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари замон андозалари асосида таъмирланмоқда, жиҳозлар ҳамда мусиқа асбоблари билан таъминланяпти. Уларда турли тўгараклар очилаётир. Буларнинг барчаси асрлар оша аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ноёб санъат намуналарини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар қалбида уларга нисбатан ҳурмат ва садоқатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимизнинг ёшларнинг мусиқа ижрочилигига доир билим ҳамда салоҳиятини юксалтиришга қаратилган навбатдаги ташаббуси замирида ҳам, шубҳасиз, чуқур ўйланган мақсад ва мазмун ётибди. Бу борада фикр юритганда хаёлимизда халқимиз азалдан эъзозлаб келадиган қадриятлар, орзу-умидлар жонланади. Ушбу ёруғ ниятларнинг энг қадрлиси, албатта, баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ. Инсоннинг жисмонан бақувват, ақлан етук ҳамда маънан комилликка етишуви баркамолликдан нишона. Тўғри, ҳар жиҳатдан тугалликка ҳеч бир одам фарзанди ҳали етганмас. Лекин кўнгилда умид ва ишонч уйғотадигани шуки, инсон мудом ана шу саодат сари интилишда, изланишда, ҳаракатда.

Президентимизнинг ўғил-қизларимизга бирор чолғу асбобини чалишни ўргатиш, умуман, мусиқага ошно этиш борасидаги таклифи уларни маънан улғайтиришга, қалбларига эзгулик уруғлари экишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тарихдан маълумки, умумжаҳон тамаддунининг тамал тошини қўйган аждодларимиз хоҳ адабиёт, хоҳ астрономия, тиббиёт, математика, геометрия, тарих, меъморчилик, наққошлик, кўйингки, қайси соҳа билан шуғулланмасин, албатта, бирор созни чалишни ўрганган, куйни руҳнинг озиғи деб билган. Мусиқа илми ҳақида фундаментал илмий-назарий рисолалар ёзишган.

Жумладан, буюк файласуф олим Абу Наср Форобий "Китоб ул-мусиқий ал кабир" ("Мусиқага оид катта китоб") асарини ёзиб, мусиқа назариясининг асосларини яратишга улкан ҳисса қўшди. У нафақат назариётчи, балки халқ чолғуларининг маҳоратли ижрочиси ҳам бўлган. Манбаларда қайд этилишича, Форобий най ва танбурни юксак даражада чалиш билан бирга, қонун чолғусини ихтиро қилган, ўша даврларда машҳур бўлган уд созини такомиллаштириш учун изланишлар олиб борган.

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Синонинг "Китоб уш-шифо" ("Шифо китоби" ), "Донишнома" ("Билимлар китоби"), "Китоб ун-нажот" ("Нажот китоби") асарларидаги мусиқага доир махсус бўлимлар, "Рисолатун фи-илмил-мусиқий" ("Мусиқий илми ҳақида рисола") рисоласи жаҳон санъати фани тарихида алоҳида ўрин тутади.

Бундай қомусий олимлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Қолаверса, Ҳасан Нойи, Қулмуҳаммад Удий, Ҳасан Болабоний, Али Хонадоний Муҳаммадий, Аҳмад Ғижжакий, Али Кўчак Танбурий каби созандалар ўз замонасида шу қадар машҳур бўлганки, уларнинг исмлари ўзи юксак маҳорат билан чаладиган мусиқа асбоби номи билан биргаликда айтилган.

Аслида, Ўзбекистон ҳудудидаги Хоразм, Афросиёб, Холчаён, Термиз, Варахша, Болаликтепа, Далварзинтепа ва бошқа қатор тарихий манзилгоҳларда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган жуда кўп мусиқа чолғуларининг қолдиқлари, деворларга, қояларга, сопол буюмларга туширилган хонанда ҳамда созандалар суратлари аждодларимиз азалдан санъатга ошуфта эканини кўрсатади.

Чунончи, аждодларимиз мусиқани "қалб математикаси", деб билган. Ақл руҳдан қувват олишини, руҳ эса вужудга, ривоятда келтирилганидек, мумтоз куй воситасида жойланганини, шу боис у инсонга куч-мадад бериб туришини теран англаган. Пировардида ақл ва руҳни уйғун ривожлантиришга ҳаракат қилинган.

Инсоннинг борлиқ, ҳаёт, ўз умри ҳақидаги ўйлари, ботиний кечинмалари, тасаввур ҳамда тафаккурида юз бераётган эврилишларни нафис оҳангларда ифодалайдиган мусиқа элларни, дилларни эзгулик йўлида бирлаштиришга қодир. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" асарида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида "яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдан ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди", деб ёзади.



> *Юртбошимизнинг ёшларнинг мусиқа ижрочилигига доир билим ҳамда салоҳиятини юксалтиришга қаратилган навбатдаги ташаббуси замирида ҳам, шубҳасиз, чуқур ўйланган мақсад ва мазмун ётибди. Бу борада фикр юритганда хаёлимизда халқимиз азалдан эъзозлаб келадиган қадриятлар, орзу-умидлар жонланади. Ушбу ёруғ ниятларнинг энг қадрлиси, албатта, баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ.*

Ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобида хушоҳангнинг инсон руҳиятига таъсир кучига шундай баҳо беради: "Гўдакнинг организми чиниқиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси эса онанинг қўшиғидир. Биринчиси, боланинг танасига, иккинчиси, руҳига тегишлидир".

Таниқли муҳаддис, шайх Абу Бакр Бухорий — Калободий мусиқани таърифлаб, уни "жон қуввати ва руҳ озиғи турур. Агар жон нағмадан қувват топса, ўз мақоми сари ишроф айлайди", деб ёзади. Демак, мусиқа инсонга бебаҳо маънавий озуқадир. Наво билан озиқланган жон доимо тетик, бардам, бақувват бўлади.

Афсуски, ХХ асрда мустамлака балосига гирифтор бўлган халқимиз азалий анъаналардан, тарихий илдизлардан, миллий қадриятлардан мажбуран узоқлаштирилди. Хусусан, мусиқа билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмади.

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат ўзининг "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" номли рисоласи муқаддимасида "Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси сўнгги йилларда ўзбек тилига, адабиётига ва тарихига оид анчагина маълумот тўплаб, яхшиғина натижалар чиқаришға муваффақ бўлса-да, ўзбек мусиқамизға тегишли жиддий татаббуъотда бўлина олмади", дейди. Бунинг асосий сабаби эса "бу соҳада ишлай олатурған, яъни аслий маънода мусиқа назариясини билатурған ва Шарқ мусиқасининг хусусиятларига воқиф мусиқашуносларнинг йўқлиғи" эканлигини афсус ила таъкидлайди.

Буюк шоир Чўлпон эса оддийгина куй миллатнинг дардларига малҳамгина эмас, уни уйғотиши, юксак мақсадларга руҳлантириши мумкинлигини ўз шеърлари орқали ифода этади. Бир шеърида "Оталарнинг тарихдаги хатосин" кўрган, гувоҳ бўлган "Ёруғ юлдуз"га мурожаат этиб, уларнинг сабаб-оқибатларини ҳар биримизга англатиш учун:

*Майли, майли, қандоқ аччиқ бўлса ҳам,*
*Тўғри сўзни яширмасдан сўзлай бер,*
*Ҳар қанчалар юрак ёрғич куй бўлса,*
*Ботир бўлиб секингина куйлай бер,*

деб илтижо қилади.

Ҳақиқатан ҳам, истибдод даврида элимиз мусиқанинг ноёб кучидан, сеҳридан имкон қадар узоқ тутилди. Натижада мусиқий таълимга эътибор сусайди, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимининг моддий-техника базаси ғариблашиб, ночор аҳволга тушиб қолди, соҳа педагог ва мутахассислари меҳнати етарли рағбатлантирилмади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда санъатнинг ушбу тури янада равнақ топиши йўлида залварли қадамлар қўйилди — муҳташам санъат саройлари барпо қилинди, нуфузли мусиқа билим юртлари очилди, турфа кўрик-танловлар, мукофотлар таъсис этилди. Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамларида улкан саҳналарда ҳар йили янгидан-янги номларни, дилтортар куй-қўшиқларни кашф қилиш хайрли анъанага айланди.

Шунга қарамай, болаларимизни ҳар томонлама етук шахс, замонавий инсонлар этиб тарбиялаш учун уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, жумладан, бадиий дидини — мусиқа яратиш, ижро қилиш ва тинглаш маданиятини тарбиялаш, санъат дунёсига ошно этиш бугунги кунимизда ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги янги ташаббуси юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ҳамда истеъдодини ўз вақтида пайқаш, рўёбга чиқариш ва тарбиялашда ғоят муҳим. Ишонамизки, у ўз меваларини узоқ куттирмайди. Истеъдодли ёшларимиз орасидан моҳир созандалар, санъатшунос-олимларнинг кашф этилишига туртки бўлади. Улар эса халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини — миллий маданиятимизнинг гавҳару дурдоналарини оламга кенг ёйишга, Ўзбекистон довруғини дунёга таратишга хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир фикр. Мусиқани тушунган, бирор созни чалишни биладиган инсонларни тарбиялаш уларнинг ҳаммаси ҳам келгусида шу соҳа йўлидан кетиши керак дегани эмас. Мусиқа уларнинг таъби, талаби, дунёқарашини тарбияласа, шу ҳам катта ютуқ. Зотан, бу ҳар бир соҳа ривожида креатив фикрлайдиган, ўз ишига қалб қўри, юксак инсонпарварлик фазилатларини бахш этадиган кадрларни камолга етказишда айни муддаодир.

Ватанимизни жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторида кўриш, тинч ва фаровон ҳаётда умргузаронлик қилиш эса барчамизнинг эзгу истагимиз, бугунги кунда изчил рўёбга чиқаётган орзу-умидларимиздир.

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси маданият вазири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*«Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!*

**«Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти**

*(100100, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42-«А» уй, info@agroleasing.uz)*

**2020 йил 24 июль куни соат 10.00 да жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши жамият биносининг мажлислар залида ва «Электрон овоз бериш» йўли билан ўтказилишини маълум қилади.**

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42-«А» уй, жамият биносининг мажлислар зали.

Жамият акциядорларини рўйхатга олиш 2020 йил 24 июль куни соат 9.00 да бошланади. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар қонунчиликка мувофиқ шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни рўйхатга олиш вақтида тақдим этиши шарт. Юридик шахсларнинг вакиллари белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2019 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.
9. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамият бошқарув раисини сайлаш.
13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.
14. Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.
15. Жамият бошқаруви тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.
16. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича, яъни молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ташқи аудитор ташкилотини ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
17. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик келишувлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган саналар:

— жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2020 йил 30 июнь;
— жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси: 2020 йил 20 июль.

**Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42-«А» уй, «O'zagrolizing» акциядорлик жамияти.**

**«Электрон овоз бериш» www.evote.uz веб-сайти орқали амалга оширилади.**

**Мурожаат учун телефон: 71-207-30-47**

3388/245

**Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби**

2020/2021 ўқув йили учун 1 ва 5-синфларга (мактаб синфларига) ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Ҳужжатлар **2020 йил 11 июлга қадар**, соат **9.00 дан 17.00 гача** онлайн тарзда **glier_qabul2020_bot** орқали қабул қилинади.
Қабулга доир барча маълумотларни **t.me/glierqabul2020** канали орқали билишингиз мумкин.
Имтиҳонлар 2020 йил 3 — 6 август кунлари бўлиб ўтади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 4-уй.**
**Телефонлар: 99-107-77-93, 71-246-03-24, 71-246-74-93.**




Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги **Реклама** бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 33 887 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6